

“Boshtransloyiha”
транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти
акциядорлик жамияти акциядорларига

“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти
акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядорлар!

“Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгашининг 2026 йил 03 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2026 йил 30 июнь куни, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй манзили бўйича жойлашган “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биносидан ўтказилади.

Йиғилиш соат **15:00** да бошланади.

Жамият акциядорлари рўйхатининг тузилиш санаси:

- умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун – **2026 йил 03 июнь**;
- умумий йиғилишда қатнашиш учун - **2026 йил 24 июнь**.

Кун тартиби:

- 1) Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш.
- 2) “Boshtransloyiha” АЖ фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи ва бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
- 3) “Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
- 4) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- 5) Жамият томонидан 2025 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдорини, уни тўлаш шакли, тартиби ва муддатини аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсациялар тўлаш.
- 6) “Boshtransloyiha” АЖ Бош директорини тайинлаш (сайлаш).
- 7) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботларини миллий ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташиқи аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2026 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
- 8) Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши қутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.
- 9) “Boshtransloyiha” АЖнинг 2026 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 10) “Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.
- 11) “Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй манзилида жойлашган “Boshtransloyiha” АЖда (бухгалтерия бўлимида) 2026 йил 15 июндан 29 июнгача, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14:00 дан бошланади ва соат 14:45 да тугатилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Электрон почта манзили: boshtrans@gmail.com. Телефон: (+998) 71-254-89-10.

“Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгаши